

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **34-35-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(118-119)**
ТЎПЛАМИ **2004 й.**
август-
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

380. «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужамига қарши мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси Ҳарбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 672–II-сон қарори
381. «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 673–II-сон қарори
382. «Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 674–II-сон қарори
383. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг имтиёзли ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 675–II-сон қарори

384. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш шартлари тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 676–II-сон қарори
385. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли бешинчи қўшимча баённомани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 677–II-сон қарори
386. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли олтинчи қўшимча баённомани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 678–II-сон қарори
387. «Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Киото, 1994 йил) Якунловчи ушжатларини ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Миннеаполис, 1998 йил) Якунловчи ҳужжатларини ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 679–II-сон қарори
388. «Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 680–II-сон қарори
389. «Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясига қўшилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 681–II-сон қарори

Иккинчи бўлим

390. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 29 августдаги ПФ–3481-сон Фармони

Учинчи бўлим

391. «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 августдаги 404-сон қарори
392. «Автомобиль саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 августдаги 405-сон қарори [Кўчирма]
393. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 августдаги 409-сон қарори
394. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 августдаги 410-сон қарори

395. «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори
396. «Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори

Бешинчи бўлим

397. «Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 01/06-16, 102-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 28 августда 703-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
398. «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 21 августдан 3 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

380 Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси Ҳарбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси Ҳарбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
672-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

381 Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
673–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

382 Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида Консуллик конвенцияси ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
674–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

383 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
675-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

384 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш шартлари тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш шартлари тўғрисидаги битим ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
676-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

385 Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли бешинчи қўшимча баённомани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли бешинчи қўшимча баённома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
677–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

386 Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли олтинчи қўшимча баённомани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли олтинчи қўшимча баённома ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
678–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

387 Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Киото, 1994 йил) Яқунловчи ҳужжатларини ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Миннеаполис, 1998 йил) Яқунловчи ҳужжатларини ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Киото, 1994 йил) Яқунловчи ҳужжатлари ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи Ваколатли анжуманининг (Миннеаполис, 1998 йил) Яқунловчи ҳужжатлари ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
679–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

388 Ўсимликларнинг Янги навларини маҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўсимликларнинг Янги навларини маҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
680–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

389 Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясига қўшилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясига қўшилисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 август,
681-II-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

390 Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Болалар жисмоний тарбияси ва спортини 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан беvosита боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалаларида ишларни аниқ мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Марказий ижроия аппаратини 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарамоғига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлар кенгаши ва муассисларининг таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари Жамғарма Марказий ижроия аппаратига беvosита бўйсундилар ва айни вақтда халқ таълимининг тегишли ҳудудий органларига ҳисобот берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармони билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси учун белгилаб берилган асосий вазифалар, ҳуқуқ, имтиёз ва молиялаш манбалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармонининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 август,
ПФ-3481-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

391 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бошқариш тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 август,
404-сон

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий
аппаратининг тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

392 Автомобиль саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси кенгашининг уюшмани очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси («Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси)га айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда автомобилсозликни барқарор ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, тармоқда ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, рақобатбардошли маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришида қўмаклашиш;

тармоқ корхоналарини замонавийлаштиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни жалб этишга қўмаклашиш, етакчи хорижий фирмалар билан биргаликда автомобиль транспортининг замонавий турларини, улар учун бутловчи буюмлар ва деталларни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

автомобиль тармоғи корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш;

тармоқ учун малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашни, менежментнинг замонавий методларини эгаллаган, бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган корхоналар рўйхати ва унинг ходимларининг чекланган умумий сони 56 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 38 киши бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари компания бошқаруви юқори органи томонидан сайланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига қўра тегишли равишда раис — вазирга, раис ўринбосарлари — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

4. 3-иловага* мувофиқ таркибда, 7 кишидан иборат «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси кенгаши тузилсин.

Кенгашга акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунгача бўлган даврда компаниянинг юқори бошқарув органи ва кузатувчи кенгаши функцияси юклансин.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси кенгаши уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат mulки қўмитаси билан биргаликда қайта ташкил этилаётган «Ўзавтосаноат» уюшмасининг мол-мулкани баҳолашни ташкил этсин ҳамда унинг мол-мулки ва активлари, шу жумладан Компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларидаги Уюшмага тегишли акциялар пакетлари, шунингдек автомобиль саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида Уюшмага ажратилган пул маблағлари ҳисобига «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг устав жамғармасини шакллантирсин;

компаниянинг янги тахрирдаги уставини тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат mulки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси акциялари эмиссияси проспектини эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ундирмасдан рўйхатдан ўтказсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси устав жамғармасини шакллантириш вақтида давлат компанияси ҳисобланади ҳамда акциялари улушининг 51 фоизини давлатда қолдирган ва 49 фоиз миқдордаги қолган қисмини хорижий инвесторларга сотган ҳолда белгиланган тартибда хусусийлаштирилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтосаноат» Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 17 мартдаги 143-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 август,
405-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 августдаги 405-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига
кирадиган корхоналар рўйхати**

I. Акциядорлик жамиятлари

1. «ЎзДЭУавто» ҚК ЁАЖ
2. «ЎзДонгВон» ҚК ЁАЖ
3. «ЎзСэМюнг» ҚК ЁАЖ


* 3-илова берилмайди.

4. «ЎзТонгХонг» ҚК ЁАЖ
5. «ЎзДонгЖу» ҚК ЁАЖ
6. «ЎзКорам» ҚК ЁАЖ
7. «ЎзДонгЯнг» ҚК ЁАЖ
8. «СамКочАвто» ҚК ЁАЖ
9. «ЎзЭксайд» ҚК ЁАЖ
10. «ЎзКоджи» ҚК ЁАЖ
11. «Автоойна» ОАЖ
12. «Ўзавтосаноатсервис» ОАЖ
13. «Автосанкомплект» ОАЖ
14. «Зенит» ОАЖ
15. «Шовот-подшипник» ОАЖ
16. «Ўзавтотеххизмат» ОАЖ
17. «Ист-Батерфляй» ҚК МЧЖ

II. Унитар корхоналар

18. «Автосаноаттранс» УК
19. «Автосанимпэкс» УК
20. «Авто Олам» УК журнали тахририяти

**«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ижро этувчи
аппаратининг тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

393 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати ва унинг ташкилий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 197 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 156 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисига, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 62-модда):

1—5, 8 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-банднинг биринчи хатбоши «маркетинг тадқиқотлари» сўзларидан кейин «ҳамда моддий рағбатлантириш» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 август,
409-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати


1. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари
3. «Ўзбекэкспертиза» очик акциядорлик жамияти
4. «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги
5. «Ўзинкомцентр» Ўзбекистон Ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази
6. «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма маркази
7. «Интерсервис» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо бирлашмаси
8. «Интерқурилиш» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо фирмаси
9. «Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ
10. «Ҳамкор» — «Деловой партнёр» газетаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ташкилий тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига
4-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар
агентлигининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 11 киши,
шу жумладан:
бошқарув ходимлари — 9 киши;
хизмат кўрсатувчи ходимлар — 2 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар
бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 4 кишидан,
шу жумладан:
бошқарув ходимлари — 4 кишидан.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 августдаги 409-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Агентлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, хорижий давлатлардаги Агентликка қарашли ташкилотлар бўлган савдо ва иқтисодий ваколатхоналар киради.

Худудий бўлинмалар икки томонлама бўйсундилар ҳамда Агентликка ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисоб берадилар.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликни ва унинг худудий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек Агентлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, ўзига қарашли ташкилотлар ажратмалари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш ва уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда қатнашиш;
миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви бўйича шарт-шароитлар яратиш ва чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашиш;
республиканинг экспорт салоҳиётини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш;

республика ишлаб чиқарувчилари товарларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий хавфсизлиги ва иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

8. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ягона давлат ташқи иқтисодий сиёсати ўтказилишини таъминлаш соҳасида:

тенг шериклик ва камситмаслик принципларига асосланган ташқи иқтисодий сиёсатни эркин ва тенг ҳуқуқли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишда қатнашади;

давлат бошқарув органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасини ташқи иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, ташқи савдо, валюта балансининг асосий индикаторлари параметрларини шакллантиришда ҳамда мамлакатнинг валюта, божхона-тариф ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришда қатнашади;

товарлар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик товарлари, фуқаро авиатехникаси билан халқаро савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш, интеллектуал мулк объектлари билан халқаро савдо қилиш, давлат харидларини, юклар жўнатишдан олдинги инспекцияни амалга ошириш, ташқи савдода санитария, фитосанитария ва техник чора-тадбирларнинг қўлланиши соҳасида давлат сиёсати ўтказилиши билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Раҳбариятини ва Вазирлар Маҳкамасини ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича зарур ахборотлар билан таъминлашни амалга оширади;

ташқи иқтисодий алоқалар, товарлар билан халқаро савдо қилишнинг аҳолини, хорижий давлатлардаги иқтисодий вазиятни таҳлил қилади, конъюнктурани ўрганади ва шу асосда жаҳон товарлар ва хизматлар бозори ривожланиши тенденцияларини прогнозлаштиради, минтақавий иқтисодий интеграциялашни амалга ошириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналар бўйича давлат сиёсатини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий алоқалар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилишини, Агентлик тизими ва бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари учун чет элларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли ўқув стажировкалари ва семинарлар, Агентлик ўқув марказида, ўқиганлик тўғрисида сертификат берган ҳолда, ўқувлар ташкил этади;

электрон тижорат соҳасида савдо сиёсатини шакллантиришда қатнашади, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқи иқтисодий фаолиятда электрон савдо соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) миллий иқтисодийни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда уни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш соҳасида:

республика хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади ҳамда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари кенгайтиришга қўмаклашади;

Вазирлар Маҳкамасига товарлар экспорти ва импорти юзасидан миқдорий чеклашлар жорий этиш тўғрисида, товарларнинг айрим турлари экспорти ва/ёки импортига давлат монополиясини ўрнатиш тўғрисида, шунингдек товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга нисбатан ҳимоя чоралари, компенсация, демпингга қарши чоралар ва бошқа чораларни қўллаш тартиби тўғрисида таклифлар киритади;

ҳимоя чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини жорий этишдан олдин, белгиланган тартибда текширувлар ўтказиши;

Вазирлар Маҳкамасига чет элларда Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналарини очиш ва ёпиш тўғрисида таклифлар киритади;

республиканинг коммуникация тизимларини халқаро транспорт коммуникациялари тизимига интеграциялаш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт коммуникациялари, ташқи савдо юкларини ташишни мақбуллаштириш, янги транспорт йўналишлари ва йўлакларини ишлаб чиқиш соҳасида ташқи иқтисодий сиёсат масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида ва чет элда халқаро савдо — саноат кўرғазмалари, ярмаркалар, анжуманлар, тақдимотлар, конференцияларни ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этади ва ўтказиши, реклама-ахборот ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, хорижий шериклар излашда ва уларнинг ишончилиги ва ишбилармонлигини ўрганишда ташқи иқтисодий фаолият субъектларига қўмаклашади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини ҳуқуқ, нарх, валюта, молия, кредит масалалари, ташқи бозорнинг экспортга етказиб берилаётган маҳсулотлар сифати, техник тавсифномаларига талаблари бўйича методик, ахборот ва консултив таъминлашни амалга оширади;

импортнинг ўрнини тўлдириш ва маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича таклифлар киритади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

товарларнинг келиб чиқишини сертификациялаш, юридик шахслар томонидан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун хорижий инвесторлар томонидан олиб келинадиган маҳсулотларни сертификациялаш, мамлакатда ишлаб чиқарилган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни сертификациялашни, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиганлар тоифасига киритиш тўғрисида хулосалар беришни мустақил амалга оширади ёки бу борадаги ваколатларни бошқаларга беради;

ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилик бўйича шарҳлар ва тушунтиришлар беради;

в) республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш соҳасида:

республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашади, экспорт қилувчи корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритади;

энг муҳим товарларни, шу жумладан пахта толаси, рангли металллар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспортга етказиб бериш балансларини ишлаб чиқишда қатнашади;

қисқа, ўртача ва узоқ муддатли даврда пахта толаси жаҳон бозорида вазиятнинг ривожланиши бўйича тадқиқотлар ўтказиши ҳамда унинг сценарийсини ишлаб чиқади;

ташқи бозорлар талабларини ва маҳаллий моддий-хом ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда экспортнинг турли механизмлари ва схемаларини, ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади;

ташқи сотиш бозорлари эҳтиёжини ва талабларини ўрғанади, экспорт стратегиясини, шунингдек экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш, экспортни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг анъанавий экспорт номенклатураси билан савдо қилишда шарт-шароитларни мақбуллаштириш ва ҳам янги воситаларни жорий этиш ҳисобига, ҳам анъанавий бўлмаган экспортнинг бошқа хил маҳсулотлар (ишлар ва хизматларни) олиб кириш ва экспорт номенклатурасини диверсификациялаш ҳисобига халқаро бозорларга чиқиши бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

миллий экспортнинг бутун номенклатураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиши ҳамда маркетинг ва таҳлилий шарҳлар тайёрлайди;

ўзининг даврий нашрлари ва техник воситалари орқали Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларини республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотишнинг ташқи бозорлари аҳволини, шунингдек унинг бошқа турларини сотишнинг потенциал бозорларига экспорт қилиш истиқболлари тўғрисида хабардор қилади;

экспорт қилинадиган товарлар миқдори ва сифатини эксперт баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

республика корхоналари, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда қатнашади, уларга хорижий бозорлар маркетинг тадқиқотларини ўтказишда кўмаклашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида экспорт ва импорт прогнозларининг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилади ҳамда экспорт суръатларини, нисбатини ва самарадорлигини натурал ва нарх ифодасида прогноз қилади;

ташқи савдо инфратузилмасини электрон савдонинг жаҳон тизимига интеграциялаш, «Интернет»нинг глобал тармоғида миллий экспортчилар иштирокини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият ахборот марказини барпо этиш бўйича дастурлар ва чора-тадбирлар комплексларини ишлаб чиқади;

экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, шунингдек экспорт маҳсулотларининг тармоқ ишлаб чиқарувчилари ва экспорт қилувчилар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

Ўзбекистоннинг ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

г) хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида:

давлат органларининг хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодиётнинг устувор секторлари рўйхатини ва энг муҳим ишлаб чиқаришларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, йирик корхоналарни хусусийлаштириш бўйича танловлар ташкил этишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хўжалик юритувчи субъектларнинг уларга тадбиркорлик объектларида моддий ва номоддий бойликлар ва ҳуқуқлар бериш ва чет элдаги бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

стратегия жиҳатидан муҳим бўлган инвестиция дастурлари ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ташқи кредитларни жалб этади, ташкилотлар ва корхоналар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида улардан самарали фойдаланилиши бўйича мониторинг олиб боради;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини, шу жумладан инвестиция шартномалари шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини хорижий инвесторларни жалб этиш масалаларида ахборотлар билан таъминлайди;

хорижий инвесторларни республикадаги мавжуд потенциал инвестиция имкониятлари ва амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини таҳлил қилади, уларни жалб этиш ва рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради;

д) ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида:

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради ва тартибга солади;

республика ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг, хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг республика ҳудудидаги ҳамда чет эллардаги фаолиятини мавзули ва комплекс ўрганишни ташкил этади ва амалга оширади;

хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини ва уларнинг ходимларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилади, шунингдек ана шундай ваколатхоналар томонидан тақдим этиладиган улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни кўриб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН (Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси)ни ишлаб чиқади;

республика резидентларининг чет элдаги корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари мониторингини амалга оширади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда экспорт-импортни лицензиялайди, тегишли рухсатномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида чет элда ташкил этилган корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарнинг давлат реестрини ва ташқи иқтисо-

дий алоқалар қатнашчилари реестрини, шунингдек хорижий тижорат ташкилотларининг аккредитация қилинган ваколатхоналари бўйича маълумотлар банкни юри-тади;

юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни импорт қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтказди;

хорижий мамлакатларнинг сиёсий-иқтисодий аҳволи, улар томонидан қўллаб-қувватланадиган ташқи савдо режимлари, шу жумладан эркин савдо зоналарининг, божхона иттифоқларининг фаолият кўрсатиши, энг кўп қулайлик берадиган режимлар, амалдаги божхона-тариф қоидалари, лицензиялаш ва квоталаш тартиб-қоидалари, товарларнинг божхона қийматини ва келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш масалалари ва бошқа масалалар билан боғлиқ ахборотларни тўплайди ва туркумлаштиради;

ташқи савдо битишувлари ва халқаро шартномалар шартларига мувофиқ енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тўғрисида хабар беради;

импорт контрактларини белгиланган тартибда олдиндан экспертизадан ўтказди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган бошқа савдо-иқтисодий шартномаларни рўйхатдан ўтказди ва ҳисобга олади;

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида корхоналар, филиаллар, корхоналар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси резидентларининг сармоясини олиб чиқиб кетиш стратегияси ва тартибини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритади, ўз ваколатлари доирасида чет элда республика резидентлари корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди;

экспорт назорати соҳасида ишларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади, импорт қилувчи (пировард фойдаланувчи)нинг Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган специфик товарлар ва икки томонлама вазифага эга бўлган товарлардан буюртма берилган мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги кафолатини тасдиқловчи сертификатлар беради, экспорт назорати объектларининг миллий рўйхатлари бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

миллий транспорт ташкилотларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, республиканинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва транзит юк оқимларини жалб этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади;

олиб келинаётган ва олиб чиқиб кетилаётган товарларни сертификациялаш қоидаларини ишлаб чиқишда, техник, фармакологик, санитария, ветеринария, экология стандартлари ва талабларини белгилашда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида юклаб жўнатишдан олдинги инспекциялар, божхона расмиятчилиги, экология, ветеринария, фитосанитария ва санитария нормалари талабларига риоя этилишини таъминлашда қатнашади;

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортини тартибга солиш, шу жумладан стандартлар, мувофиқликни тасдиқлаш тизимлари бўйича талабларни қўллаш, товарлар хавфсизлиги нормаларига, уларни идишларга жойлаш ва маркировка қилиш қоидаларига риоя қилиш, товарга доир ҳужжатларнинг тегишли шаклларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

корхоналар ва ташкилотларда маркетинг хизматлари ташкил этилишига ва фаолият кўрсатилишига методик ва амалий кўмаклашади;

е) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари

билан савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ва ҳукумат ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлиги стратегиясини шакллантиришда қатнашади;

ташқи иқтисодий фаолият масалалари, шу жумладан савдо-иқтисодий, инвестиция, молия, солиқ, транспорт-коммуникация, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан келишиб олади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириғига кўра музокаралар ўтказиши ва халқаро шартномалар тузади, шунингдек бошқа давлатларнинг ташқи иқтисодий органлари, фирмалари, компаниялари ва корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг техникавий, мурувват, бегараз ёрдамлари ва бошқа ёрдамларини олиш жараёнини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий давлатларга давлат ташрифлари билан боғлиқ тадбирларни ахборот-таҳлил, шартномавий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлашда қатнашади;

хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар)нинг Ўзбекистон бўйича котибияти функцияларини бажаради;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий делегацияларни қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши, шу жумладан кутиб олиш ва кузатишларни ташкил этиш, делегация аъзоларига визалар олиш ва уларнинг муддатини узайтириш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш, музокаралар, бизнес-семинарлар, конференциялар, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сафарларни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

ж) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини чет элда белгиланган тартибда ифодалайди ва ҳимоя қилади, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишига кўмаклашади;

Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ўз вакилларини Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар сифатида йўллайди, улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия котибияти функциясини бажаради, мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши, шу жумладан қонун ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилотининг нормалари ва қоидаларига мослаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилоти принципларига мувофиқ юклар жўнатишдан олдинги инспекция бўйича фаолиятнинг ташкил этилишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасига нисбатан ишбилармонлик амалиётини чеклайдиган ёки республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари олдидagi мажбуриятларини ноҳалол бажарган хорижий давлатлар компаниялари рўйхатини юритади, ушбу

рўйхатнинг мундарижаси бўйича ташқи иқтисодий фаолият субъектларига маслаҳат беради;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича томонларнинг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини амалга оширади;

тижорат, валюта ва тўлов шартлари ҳамда давлат ташқи қарзлари ҳисобига ёки ҳукумат кафолатлари остида маблағ билан таъминланадиган контрактлар бўйича, шунингдек экспорт ва/ёки импорт қилишга давлат монополияси ёки микдорий чеклашлар белгиланган товарларнинг айрим турлари бўйича ташқи савдо нархлари устидан назоратни амалга оширади;

белгиланган ҳолларда инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказди, улар амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

халқаро иқтисодий низоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритади, хўжалик низоларини судгача тартибга солишда хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ёрдам беради;

хавфли юклар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзити чоғида белгиланган тартибда хулосалар беради ва назоратни амалга оширади;

белгиланган ҳолларда товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида ёки унинг ташқарисида қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишади;

товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақида белгиланган тартибда хулоса беради.

III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ таклифлар киритиш, қарорлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш;

хорижий давлатларнинг органлари, чет элда халқаро ва бошқа ташкилотлар, фирмалар, компаниялар ва корхоналар, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва миссиялари, Ўзбекистон Республикасидаги халқаро ташкилотлар ва хорижий фирмалар, компаниялар ва корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш;

хорижий давлатлар билан белгиланган тартибда техник ва иқтисодий ахборотларни айирбошлашни амалга ошириш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларидан ахборотларни сўраб олиш;

ташқи иқтисодий алоқалар, шу жумладан транспорт ва транспорт йўлаклари соҳасидаги масалалар бўйича тегишли ваколатли органлар, хўжалик юритувчи субъектлардан статистик маълумотлар, таклифлар, хулосаларни, ташқи савдо асосий индикаторлари параметрларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини текшириш учун зарур бўлган, шунингдек транспорт коммуникациялари соҳасида ташқи иқтисодий сиёсатнинг стратегик масалалари бўйича таклифларни ўрганиб чи-

қиш ва ишлаб чиқиш мақсадларида шу жумладан идоравий статистика материалларини ва бошқа ахборотнома материалларни белгиланган тартибда олиш, шунингдек юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ ёзишмалар олиб бориш;

тегишли вазирликлар, идоралар, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек корхоналар масъул шахсларининг ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, ташқи бозорда республика манфаатларига риоя қилиниши, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масалалари ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларга оид бошқа масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳолларда чоралар қўриш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари муаммолари бўйича мувофиқлаштирувчи, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари тузиш, махсус кенгашлар чақириш, шунингдек маслаҳатлар олиш, ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун ҳам республикадан, ҳам хориждан олимлар, мутахассислар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз қурилиш моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

Агентлик ва унга қарашли бўлинмалар томонидан республикада ва хорижда турли хизматлар кўрсатиш ва фаолиятдан олинмаган ўз ихтиёрида қоладиган бюджетдан ташқари маблағлардан ўз моддий-техника базасини ривожлантириш ва ижтимоий мақсадлар учун фойдаланиш;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлат, банк ва тижорат кредитларини жалб этиш, валюта маблағларидан оқилона фойдаланилишини, Ҳукумат кафолатлари билан таъминланган кредитларнинг қайтарилишини назорат қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш ишларида қатнашиш, шунингдек ўзига қарашли ташқи иқтисодий ташкилотларга кредитлар ҳисобига операцияларни амалга ошириш ҳамда амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан Агентликка юкланган лойиҳалар бўйича кредитлар ҳисобига тузилаётган контрактларнинг кредит бериш шартларига мувофиқлигини тезкор назорат қилишни топшириш;

Агентлик ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ходимларнинг лавозим маошларига шахсий қўшимчалар, шунингдек хорижий тилларни билиши ва белгиланган хизмат муддати учун устамалар тўлаш;

Агентликнинг ва Агентлик розилиги билан ўзига қарашли ташкилотларнинг расмий таклифига кўра Ўзбекистонга келган хорижий делегацияларнинг республика ҳудудида яшаши ва транспорт харажатларига ҳақ тўлаш;

ташқи иқтисодий алоқалар инфратузилмасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ҳам республика ҳудудида, ҳам хорижда объектларни, шу жумладан хорижий фирмалар иштирокида, қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш;

Агентлик тизимида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланилишини мунтазам назорат қилиш, ўзига қарашли ташкилотларнинг тижорат, молия ва хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш;

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

12. Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Раис бошчилик қилади.

Раиснинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Агентлик раиси мақомига кўра вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосарига ва ўринбосарига тенглаштирилади.

13. Агентлик раиси:

Агентлик фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

мансабдор шахслар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, тизим мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилайди, Агентлик фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш ва Агентликка қарашли ташкилотлар иши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Агентлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Агентлик марказий аппарати харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Агентлик марказий аппарати бўлинмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Агентликда Раис (ҳайъат раиси), Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи (келишув бўйича), раис ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси (лавозимига кўра), Агентлик, Агентликка қарашли ташкилотларнинг бошқа раҳбар ходимларидан 11 кишидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат мажлисларига, зарур ҳолларда, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари ва бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқаришда қатнашувчи вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида:

Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, ўзига қарашли компаниялар, фирмалар, марказлар ва ташкилотлар, савдо ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар фаолияти билан боғлиқ;

Агентлик аппарати бўлинмалари раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси ва унинг ўринбосарини, ўзига қарашли ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчиларни белгиланган тартибда тасдиқлаш билан боғлиқ;

Ҳукумат топшириқларини бажариш ва Агентлик фаолияти прогнозлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат Агентлик ваколатига тегишли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

Ҳайъат унинг мажлисида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳайъат қарорлари раиснинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳайъат аъзолари билан раис ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, Раис ўз қарорини амалга оширади. Келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида раис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради.

15. Агентлик белгиланган тартибда Агентлик тизимини, шу жумладан ўзига қарашли ташкилотлар тизимини сафарбарлик юзасидан тайёрлашга доир тадбирларни амалга оширади.

16. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

394 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ–3481-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Болалар спортини ривожлантириш ва айниқса қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004—2009 йил-

ларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган умумий сони 81 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 61 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкилий тузилмаси, Жамғарма марказий ижро этувчи аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари тузилмаси ва штатдаги ходимлари сони 3—5-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи директори айна бир вақтда лавозимига кўра Халқ таълими вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Қуйидагилар:

Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши ва Жамғарманинг минтақавий филиаллари ҳомийлик кенгашлари, уларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақлаб қолинсин, болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш, ушбу мақсадга эришиш учун давлат тузилмалари билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш унинг асосий мақсади этиб белгилансин;

болалар спортини ривожлантириш ишида илгари Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Маҳалла» жамғармасига ва бошқа тузилмаларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақланиб қолсин.

5. Белгилансинки:

Жамғарманинг шаҳарлар ва туманлардаги минтақавий филиаллари вакиллари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади ва ўз фаолиятида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига ҳисобот беради;

болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш дастурлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қабул қилинган қарорлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш Жамғарма минтақавий филиаллари вакилларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишининг муҳим таркибий қисми сифатида Болалар спортини ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилган ишлар дастурини ишлаб чиқсин.

Болалар спортини ривожлантириш дастури ва 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий

дастури амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг болалар спортини ривожлантириш бўлимига юклансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобига янгидан қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан тикланаётган болалар спорти объектлари фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимият ва бошқарув органлари балансига берилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган болалар спорти объектларини қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

болалар спорти иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан энг тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш, самарали фаолиятни ташкил этиш ва спорт секцияларини методик таъминлаш, уларни малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш учун масъулият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юкланади.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, болалар спорти иншоотларини намунавий лойиҳалар қўлланилмасдан ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш қатъиян тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

болалар спорти объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши ва пухта ташкил этилишини таъминласин;

болалар спорти иншоотлари қуриш ва уларни реконструкция қилиш ишларини бажаришда намунавий лойиҳалар ва тасдиқланган қурилиш қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда қурилаётган ва реконструкция қилинаётган болалар спорти иншоотлари хавфсизлиги ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳаллий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига янгидан қурилаётган объектлар ва реконструкция қилинаётган болалар спорти объектлари устидан техник назорат қилиш амалиётини жорий этсин.

9. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 3—6-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда);


Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 август,
410-сон

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий апаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг
ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси марказий ижро
этувчи аппаратининг штатдаги ходимлари сони**

Раҳбарият

Ижро этувчи директор	1
Кадрлар бўйича инспектор	1

**Молиявий маблағларни шакллантириш ва
хорижий инвестицияларни жалб этиш бўлими**

Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1

Етакчи мутахассис

1

**Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини
молиявий назорат қилиш бўлими**

Бўлим бошлиғи

1

Бош мутахассис

1

Етакчи мутахассис

1

**Болалар спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, жойлаштиришни
ташқил этиш ва қуришни назорат қилиш, улардан фойдаланиш бўлими**

Бўлим бошлиғи

1

Бош мутахассис

2

Етакчи мутахассис

1

**Болалар спорт иншоотларини усқуналар ва
спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўлими**

Бўлим бошлиғи

1

Бош мутахассис

1

Етакчи мутахассис

1

Бухгалтерия

Бош бухгалтер

1

Бухгалтер-кассир

1

Жами:**17**

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига
4а-ИЛОВА

394-модда


**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги
Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси марказий ижро
этувчи аппаратининг тузилмаси**



Бошқарув ходимлари сони — 17 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси минтақавий
филиалининг намунавий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ–3481-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарори билан ташкил этилган.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади ва хўжалик мустақиллиги асосида фаолият кўрсатади, ўз мол-мулкига, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади. Ўз номидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади, тегишли мажбуриятлар олади.

4. Жамғарма фаолиятида Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва хўжалик жамиятларининг меҳнат жамоалари, муассасалар ва ижодий уюшмалар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, тижорат тузилмалари, хорижий ва бошқа ташкилотлар, соғлом авлодни вояга етказишга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳловчи юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий асосда қатнашишлари мумкин.

5. Жамғарма фаолияти хайрия тусига эгадир. Унинг маблағлари, уларнинг тушиш манбаларидан қатъи назар, Жамғарманинг мақсади ва унга юкланган вазифаларга эришиш учун сарфланади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

6. Жамғарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Моварауннаҳр кўчаси, 14.

II. Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари

7. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади:

ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб вояга етишининг, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришининг фоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш;

болалар спортининг моддий-техника ва ресурс базасини янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш, бунинг учун давлат тузилмалари билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар, ҳомийлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш.

8. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан бевосита ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

халқ таълимини бошқариш органлари ва таълим муассасалари билан биргаликда болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлодда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний комилликка интилиш зарурлигини тушунишни шакллантириш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун гурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали

фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

умумтаълим мактабларининг спорт базасини ҳамда шаҳарларда ва қишлоқ жойларда болалар спорт иншоотлари тармоқларини янада ривожлантириш, уларни мамлакатнинг аҳоли яшаш жойларида оқилона жойлаштириш ҳамда замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан камол топишини кўзлаган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин алоқа ва ҳамкорликни таъминлаш;

худуд аҳолисининг зичлигини, спорт билан шуғулланишга жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг, шу жумладан умумтаълим мактабларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва спорт-педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика спорт федерациялари, клублари ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларда техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этишнинг аҳамияти кенг тарғиб қилинишини ташкил этиш ва кўмаклашиш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорликни, корхоналар ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг қўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

иқтидорли ёш спортчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт-оммавий ишлар ва хайрия фаолияти масалалари бўйича халқаро ҳамкорликда қатнашиш;

Ватанимиз жисмоний тарбия ва спортини ахборотлар билан таъминлаш тизimini шакллантириш ва ривожлантиришда, уни жаҳон ахборот тармоғига киритишда қатнашиш;

Жамғарма минтақавий филиалларни ташкил этиш ва уларни зарур ўқув-методик ҳамда кўргазмали-расмий материаллар билан таъминлаш, ушбу ишга олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш.

III. Жамғарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Жамғарма юкланган вазифалар ва фаолият йўналишларини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги ҳуқуқларга эга: олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар бажарилишини таъминлаш учун ўз

ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни мустақил равишда содир этиш;

болалар спортини ривожлантиришнинг турли масалалари бўйича белгиланган тартибда ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;

оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказиш, турли хил спорт мусобақаларида, нотижорат мақсадларидаги тендерлар ва танловларда қатнашиш;

давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ҳамда фирмалар билан биргаликда болалар спортини ва унинг моддий базасини ривожлантириш бўйича ўз лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш;

корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

спорт-педагог кадрларни контракт асосида ўқитиш, шу жумладан хорижий мутахассисларни, олимларни жалб этган ҳолда ўқитиш;

Жамғарманинг уставда қайд этилган фаолияти соҳасига тааллуқли масалалар бўйича семинарлар ва конференциялар ўтказиш;

минтақалараро ҳамкорликка қўмаклашиш;

зарур ҳолларда, уставда қайд этилган вазифаларни ҳал этиш учун муассисларга ва бошқа ташкилотларга тегишли кўчмас мол-мулкдан, бошқа мулкчилик объектларидан, шу жумладан интеллектуал мулкдан шартномавий асосда фойдаланиш;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни мулк қилиб сотиб олиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ўз атрибутларини (фирма белгиларини) яратиш;

белгиланган тартибда банкларда ҳисоб рақамларини, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш, миллий ва эркин алмаштириладиган валютада банк кредитлари ва ссудалар олиш, ўз номидан шартномалар ва контрактлар тузиш, мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш;

болалар спортини ривожлантиришга доир фаолиятга маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

Жамғарманинг моддий ва молиявий маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли маслаҳат, ахборот хизматлари ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш;

оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги материалларни эълон қилиш;

давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда амалий алоқаларга киришиш.

10. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

ўсиб келаётган авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати ва дастурларини амалга оширишда, 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастурини бажаришда фаол қатнашиш;

ваколатхоналарга, филиалларга ҳамда Жамғарма томонидан ташкил этилган бошқа ташкилотларга ўз фаолияти дастурларини ишлаб чиқишда ҳар томонлама қўмаклашиш ва уларнинг ишларини ўз вақтида назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Жамғарма томонидан йўналтириладиган молиявий ва моддий маблағлардан олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

11. Жамғарма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари ўз фаолиятида болалар спорти иншоотлари қурилиши масалаларида шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, ўқув-методик ишлар масалалари бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва уларга ҳисобот беради.

IV. Жамғарма қатнашчилари

12. Давлат, жамоат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, корхоналар, банклар, бошқа жамғармалар, шу жумладан хорижий жамғармалар, шунингдек Жамғарманинг асосий вазифаларини амалга оширишда ихтиёрий асосда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари) Жамғарманинг қатнашчилари ҳисобланадилар.

V. Жамғарма бошқарув органлари тузилмаси

13. Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини ва хорижий шерикларни жалб этиш, болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, Жамғарма томонидан ўз фаолияти амалга оширилишига ҳар томонлама қўмаклашиш, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек Жамғарма томонидан жалб қилинаётган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш учун Ҳомийлик кенгаши тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг раиси ҳисобланади.

Ҳомийлик кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Ҳомийлик кенгаши Жамғарманинг уставда қайд этилган вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ва Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисоботини мунтазам равишда эшитади ва тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилади. Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари раислари ҳисобланадилар.

14. Назорат-тафтиш комиссияси Жамғарма маблағларидан мақсадли (йўналишлар бўйича) ва қонуний фойдаланилишини, Жамғарманинг, унга идоравий мансуб минтақавий филиаллар ва таркибий бўлинмаларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилади.

15. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси марказий ижро этувчи аппарати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ҳисобот беради.

Жамғарма марказий аппарати жорий фаолиятига раҳбарликни ижро этувчи

директор амалга оширади, у Жамғарма номидан иш кўради, ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, штатлар жадвалини, марказий аппарат ва минтақавий филиалларнинг жорий таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди, Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади.

Жамғарманинг ижро этувчи директори лавозимига кўра Халқ таълими вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

16. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари икки томонлама бўйсунушга эга — Жамғарманинг марказий ижро этувчи аппаратига бевосита бўйсунди ва айни бир вақтда халқ таълими бошқармаларига ҳисобот беради.

Жамғарма минтақавий филиаллари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсияномасига кўра, Ҳомийлик кенгаши билан келишган ҳолда, марказий ижро этувчи аппарат томонидан тайинланадилар.

17. Жамғарма марказий аппаратининг штатдаги ходимлари сони 17 кишидан (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари), минтақавий филиалларда эса — 3 кишидан иборат этиб белгиланади, шунингдек 1 нафардан бош мутахассис — ҳар бир туман, вилоят бўйсунушидаги шаҳар, Тошкент шаҳридаги туманга вакил белгиланади.

18. Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Жамғарманинг болалар спорти базасини шакллантириш ва ривожлантириш учун жавоб берадиган туманлар ва шаҳарлардаги вакиллари фаолияти Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

VI. Жамғарманинг мол-мулки ва молиявий маблағлари

19. Жамғарманинг мол-мулки асосий воситалардан ва Жамғарма томонидан Жамғарма қатнашчилари улушлари ҳисобига олинган бошқа активлардан ҳамда бошқа тушумлардан ташкил топиши мумкин.

20. Жамғарманинг пул маблағлари:

давлат бюджети (республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилотлари ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтларнинг грантлари ва бегараз ёрдами;

бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ажратмалари, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари ва ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма, шунингдек Жамғарма олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида Жамғарма томонидан таъсис этилган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятдан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

21. Жамғарманинг ҳар йилги даромадлар ва харажатлар сметаси Жамғарма

марказий ижро этувчи аппаратининг тақдимномасига кўра Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамғарманинг пул маблағлари уставда қайд этилган вазифаларни бажаришга, болалар спортини ривожлантиришга доир тегишли давлат дастурларида назарда тутилган тадбирларга, шунингдек Жамғарма томонидан амалга оширилаётган болаларни соғломлаштириш дастурларини рўёбга чиқаришда фаол қатнашаётган шахсларни хайрия тарзида рағбатлантиришга сарфланади.

22. Солиқлар, йиғимлар ва тўловлар Жамғарма томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

23. Жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мол-мулк билан жавоб берадилар.

Давлат Жамғарма мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Жамғарма эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

24. Жамғарманинг мулкӣ ҳуқуқлари жамоат ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинади.

VII. Жамғарма фаолиятини тўхтатиш тартиби

25. Жамғарманинг фаолияти Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг қарорига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

26. Жамғармани тугатишда Жамғарма ихтиёрига берилган бинолар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк уларнинг эгаларига қайтарилади.

27. Давлат рўйхатидан ўтказиш реестрига Жамғарма тугатилганлиги ва фаолияти тўхтатилганлиги ҳақида ёзув қайд этилган пайтдан бошлаб Жамғармани тугатиш якунланган, Жамғарма эса фаолиятини тўхтатган деб ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

395 Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тижорат фаолияти учун товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва

импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти жисмоний шахсларнинг буюм бозорларидаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, жисмоний шахсларга савдо ўринлари ноқонуний берилганлиги учун буюм бозорлари (савдо комплекслари)нинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жиноий жазолашгача жавобгарликка тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 сентябрь,
413-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорига
1-ИЛОВА

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда матнда «якка тартибдаги тадбиркор» деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби ва муддатини белгилаб беради.

Мазкур Низомнинг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилмайди.

II. Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш

2. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

3. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғими энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди ундирилади, йиғимдан якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими қайтарилмайди.

4. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат солиқ инспекциясига (шахсан келиб) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

3x4 ўлчамли тўртта фотосурат;

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати;

якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотнома-тасдиқномаси;

муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Ариза берилаётганда паспорт кўрсатилади.

5. Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилиши сабаблари кўрсатилган қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинади.

6. Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахс томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилгандан кейин етти кун мобайнида унга:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ёки ёзма равишдаги сабаблари кўрсатилган рад жавобини;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкасини;

муҳр ва штамп тайёрлашга ички ишлар органининг рухсатномаси нусхасини эскизларнинг бир нусхаси билан биргаликда беради.

7. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;

чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани туман (шаҳар) хокимлигида белгиланган тартибда расмийлаштириши;

тижорат банкида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

8. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат барча зарур рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтилгандан кейин олинadиган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлган тақдирда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

9. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар давлат солиқ инспекцияси томонидан белгиланган шакл бўйича давлат реестрига киритилади.

10. Давлат солиқ инспекцияси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч кун мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шакл бўйича ариза берувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органига маълумотларни тақдим этади.

11. Фаолият тури ўзгарган тақдирда якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясига Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини топшириши зарур.

12. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор), зарурат бўлганда, ваколатли банкларда ва фойдаланиш ташкилотларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объектлар қуриш, уларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради. Рухсат берувчи тартиб-қоидаларни расмийлаштириш учун якка тартибдаги тадбиркор туманлар (шаҳарлар) хокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилиши мумкин.

III. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтиш тартиби

13. Жисмоний шахсни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида амалга оширилади.

14. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза (паспортга доир маълумотлар, манзиллар, алоқа қилинадиган телефонлар ва импорт қилинадиган маҳсулот номлари кўрсатилган ҳолда);

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция;

ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор)нинг паспорти нусхаси;

давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

15. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисини тегишли рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами остида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритади ва унга импорт қилинадиган маҳсулотнинг номлари илова қилинган ҳолда белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради (мазкур Низомга 4-илова) ёки сабабларини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этади.

16. Якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги учун ариза берилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади. Ушбу маблағлардан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мустақил фойдаланилади ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатларни қоплашнинг манбаи ҳисобланади.

17. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг асл нусхаси йўқотилганда йўқотганлик тўғрисидаги ариза асосида якка тартибдаги тадбиркорга дубликат берилади.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг амал қилиш муддати — бир йил. Мазкур муддат тамом бўлгандан кейин Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

19. Зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, бу ҳужжатлар қайта расмийлаштириш учун ариза берувчига қайтарилади.

IV. Якка тартибдаги тадбиркорларни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби

20. Якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун яшаш жойи бўйича давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

доимий яшаш жойи манзили кўрсатилган ҳолда божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси нусхаси;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиши карточкаси.

21. Божхона органи икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда (ҳужжатлар берилган кун бу ҳисобга кирмайди) тартиб рақами ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари масъул шахслари имзоси қўйилган тартиб рақами ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалари карточкасининг божхона белгилари қўйиш учун махсус ажратилган жойга рўйхатдан ўтказиш штампини босади.

22. Импорт қилинган товарларни божхонада расмийлаштириш учун якка тартибдаги тадбиркор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юк божхона декларацияси;

Ўзбекистон Республикасидан чиқишда белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 шакл бўйича божхона декларацияси (нақд хорижий валюта ва/ёки йўл чеклари олиб чиқилишини тасдиқлаш учун);

Ўзбекистон Республикасига киришда белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 шакл бўйича божхона декларацияси;

олиб кирилган товар қиймати олиб чиқилган нақд хорижий валюта ва/ёки йўл чеклари суммасидан кўпайиш томонга фарқ қилиши аниқланганда пул маблағлари олиш легитимлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади;

импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси билан биргаликда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси;

транспорт ва товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;

лицензия (лицензияланиши керак бўлган товарлар учун);

мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар учун);

товарларнинг келиб чиқиш сертификатлари (унинг зарурлиги контрактда, олиб кириш мамлакатининг миллий қоидаларида қайд этилган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган ҳолларда);

фитосанитария ва карантин (ветеринария) сертификатлари (тегишли ҳолларда).

V. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан банк ҳисоб рақами очилиши ва ҳисоб рақами бўйича операциялар ўтказиш

23. Банк ҳисоб рақами очилган кунун ҳужжатларида белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича амалга оширилади.

24. Банк ҳисоб рақами очилгандан кейин тижорат банкининг бўлими томонидан рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиш карточкасига тегишли белги қўйилади.

25. Якка тартибдаги тадбиркор ҳар куни импорт қилинган товар сотилишидан олинadиган тушумни хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилиш учун белгиланган тартибда тижорат банкларининг кассасига топширади.

26. Тижорат банки якка тартибдаги тадбиркор талабига кўра унинг ҳисоб рақамида нақд пул маблағи мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда нақд пул маблағлари беради.

27. Якка тартибдаги тадбиркор хорижий валютани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат банкларининг алмаштириш пунктларида сотиб олади. Хорижий валютани олиб чиқиш божхона ҳақидаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

VI. Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

28. Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи гувоҳнома якка тартибдаги тадбиркорга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият жойи бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилади.

29. Якка тартибдаги тадбиркор, унга берилган чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномада кўрсатилган савдо жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат солиқ инспекциясига ёзма равишда хабар бериши шарт.

30. Рухсат берувчи гувоҳноманинг амал қилиши хизмат кўрсатувчи банкнинг ахбороти асосида давлат солиқ хизмати органининг тақдимномаси бўйича бир ҳафта мобайнида сотиш бўйича айланмалар мавжуд бўлмаганда ёки инкассация қоидалари бузилган тақдирда тўхтатиб турилади. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги якка тартибдаги тадбиркор томонидан товарлар тушишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилганда рухсат берувчи гувоҳноманинг амал қилишини тиклаши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор товар учун республика ташқарисига чиққан тақдирда, у чет элда бўлган даврда рухсат берувчи гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига йўл қўймаслик мақсадида якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясини ёзма равишда хабардор қилиши зарур.

VII. Якка тартибдаги тадбиркорга давлат солиқ инспекцияси томонидан импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини бериш

31. Мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси якка тартибдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган ва мазкур Низомга мувофиқ расмийлаштирилган рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиш карточкаси асосида давлат солиқ инспекцияси томонидан уч кун мобайнида берилади.

Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсатнома ҳисобланади.

32. Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасининг фото нус-

хаси якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат солиқ инспекциясидаги ҳужжатлар йўзма жилдида сақаланади.

33. Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан бир хил серия ва тартиб рақамига эга бўлади.

34. Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йил мобайнида, бироқ Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан берилган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амал қилади.

VIII. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан импорт операцияларининг амалга оширилиши

35. Якка тартибдаги тадбиркор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида товар операциялари ҳисобини юритиши ва ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл бўйича олиб келинган товарларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

36. Якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси олинган кундан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинади.

IX. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистрини юритиш

37. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри давлат солиқ хизмати органлари томонидан юритилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистрида улар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида:

содир этилган импорт операциялари;

бюджетга тегишли тўловлар;

олиб келинган товарларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар назарда тутилади.

X. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ўзаро муносабатлари

38. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ўн кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда ўз фаолиятини тўхтатган (ёки вақтинча тўхтатган) тадбиркорлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

39. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳисобот ойдан кейинги ойининг 15-кунигача ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан олиб келинган ва олиб чиқилган товарлар ҳажми тўғрисида шахсларга доир ахборотни тақдим этади.

XI. Мазкур Низом бузилганлиги учун жавобгарлик

40. Мазкур Низом талаблари бузилганлиги учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

41. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат органларининг қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини бериш муддатлари бузилган тақдирда белгиланган тартибда юқори турувчи органларга ёхуд судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

42. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш тартиби, солиқ ҳақидаги қонунлар, савдо қоидалари, касса операциялари қоидалари ва нақд пул маблағлари айланиши қоидалари ҳамда мазкур Низом талаблари бузилган тақдирда якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади ҳамда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

43. Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларга эга бўлмаган жисмоний шахсларга савдо ўринлари берилган тақдирда буюм бозорларига, савдо комплексларига (ташкilotларга) ва бошқа юридик шахсларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади, уларнинг мансабдор шахслари эса қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган
товарларни олиб келувчи юридик шахс
бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни
давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш
ва импорт операциялари субъектларининг
ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(рўйхатдан ўтказувчи солиқ органининг номи)

туманининг давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи _____ га

(ДСИ бошлиғининг Ф.И.О.)

_____ дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

200__йил «__»_____гача бўлган муддатга тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи сифатида юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

Паспорт: серия _____ № _____ томонидан _____ да берилган

Уй манзили _____

_____ телефон рақами _____

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. _____

2. _____
 3. _____
 4. _____
 5. _____

_____ сана

 (ариза қабул қилинган сана)

_____ (ариза берувчининг имзоси)

 (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси



Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ГУВОҲНОМА*


№ _____ 2004 йил «___» _____

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Паспорт: серия _____ № _____

_____ томонидан
 _____ да берилган



Фотосурат
 ўрни

_____ туман (шаҳар) ДСИ бошлиғи

(Ф.И.О.)

_____ 200__ й. «__» _____ МЎ
(имзо) (сана)

200__ й. «__» _____ гача ҳақиқийдир

* Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасисиз фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши _____ - сон карточкаси

_____ туман (шаҳри) давлат солиқ Сана: _____ инспекцияси томонидан _____ га берилди

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

Паспорт: серия _____ № _____

_____ томонидан

_____ да берилган

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Фаолият тури: чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган ва 200 ____ «__» _____ гача муддатга гувоҳнома берилган

(Ф.И.О.)

(имзо)

№ _____ 200_ й. «__» _____

МЎ

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

(Ф.И.О.)

(имзо)

№ _____ 200_ й. «__» _____

МЎ

3. _____ тижорат банкида _____

(тижорат банкининг номи)

ҳисоб рақами очилган

банк коди _____

(бошқарувчининг Ф.И.О.)

(имзо)

№ _____ 200_ й. «__» _____

МЎ

4. _____ да _____ билан савдо қилиш

(савдо қилинадиган жой)

(товарлар тури)

ҳуқуқини берадиган рухсатнома _____ туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилган.

(Ф.И.О.)

(имзо)

№ _____ 200_ й. «__» _____

МЎ

_____ карточкаси _____ да олинди

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

(сана)

ДСИ бошлиғи _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

МЎ

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган
товарларни олиб келувчи юридик шахс
бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни
давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш
ва импорт операциялари субъектларининг
ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Ozbekiston Respublikasi
Tashqi iqtisodiy aloqalar
agentligi



Agency for foreign
economic relations of the
Republic of Uzbekistan

G U V O H N O M A
C E R T I F I C A T E

Ushbu guvohnoma
This certificate was issued o№
200__ y. «___» _____da berildi.

Tashqi iqtisodiy aloqalar qatnashchisi O'zbekiston Respublikasi Reyestriga

Participant of foreign economic relations was included into the Registry of the Republic of Uzbekistan under registered number

_____ - son boyicha kiritildi.

Guvohnomani qo'llash muddati
The certificate is valid till

200__ y. «___» _____ gacha haqiqiydir.

(imzo, M.O'.)

Ozbekiston Respublikasi
Tashqi iqtisodiy aloqalar
agentligi

Agency for foreign
economic relations of the
Republic of Uzbekistan

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси-
нинг 200 __йил _____ даги
-сон гувоҳномасига
ИЛОВА

**Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан
ўтказилган жисмоний шахс томонидан импорт қилинадиган
маҳсулотлар номи**

Т/р	Товарнинг номи	ТИФТН бўйича товарнинг коди

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Импорт операциялари субъектининг ҲИСОБГА ОЛИШ КАРТАСИ*

№ _____ 2004 й. «___» _____

_____ (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Фотосурат
ўрни

Фаолият тури: чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 200__ йил _____ да -сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида 200__ йил _____ да -сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

3. _____ бўлимида _____ -сон ҳисоб

(тижорат банки номи)

рақами очилган

Код

4. _____ да _____ билан чакана

(савдо қилинадиган жой)

(товарлар тури)

савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома _____ туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилган

200__ йил «___» _____ №

Ҳисоб картасининг амал қилиш муддати якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 йил

_____ туманининг ДСИ бошлиғи _____

(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

* Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасиз фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда):

а) қарорнинг 2-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳамда «эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганда импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин»;

б) Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

26 ва 37-бандлар қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Яқка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томонидан импорт қилинган товарларни сотишда рухсат берувчи гувоҳнома фақат рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлганда ҳақиқийдир»;

40-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда тижорат мақсадида олиб келинган товарларни сотувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар кунлик тушумни белгиланган тартибда банк муассасаларининг кассасига топшириши шарт»;

41-бандда «ҳамда унинг» сўзларидан кейин «рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасига, шунингдек» сўзлари қўшилсин;

46-банд қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдирилсин:

«46. Буюм бозорларида чакана савдони амалга ошираётган ва юридик шахс бўлмасдан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат солиқ инспекциясида давлат рўйхатидан ўтмаган, тадбиркорлик фаолияти учун товарлар олиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркор сотадиган жойларда импорт товарлар мавжуд бўлиши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилмаган фаолият сифатида қаралади»;

40 ва 46-бандлар тегишли равишда 47 ва 48-бандлар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлмасдан яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келиш ниятидаги жисмоний шахс-

ларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан тартибга солинади»;

7-банднинг тўртинчи хатбошида «вилоятлар адлия бошқармаларида» сўзларидан кейин «туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларида» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

396 Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига мувофиқ ҳамда 2003 йил ҳосили пахта толасини ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари орқали сотиш бўйича амалий иш тажрибани ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзинтеримпекс» ва «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниялари томонидан бирийўла жами 250 минг тонна пахта толасини сақлайдиган ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари ташкил этилганлиги ҳамда фаолият кўрсатаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, ташқи савдо компаниялари 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларида бирийўла сақланадиган пахта толаси жами ҳажмини 1-иловага* мувофиқ фаолият кўрсатаётган терминаллар қувватларини кенгайтириш ва янги терминаллар ташкил этиш йўли билан 352 минг тоннагача кўпайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, Ўзбекистон «Сифат» маркази ташқи савдо компанияларига фаолият кўрсатаётган терминалларни кенгайтиришда ва янги терминаллар ташкил этишда, шунингдек уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур инфратузилмаларни ташкил этишда кўмаклашсинлар.

2. Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар пахта толасини сотиб олишда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 ок-

* 1-илова берилмайди.

тябрдаги 447-сон қарори билан белгиланган талаблар билан бир қаторда, 15 фоиз миқдордаги ҳақини олдиндан тўлашни ва узил-кесил ҳисоб-китобларни пахта толаси етказиб берилган санадан бошлаб 60 кун мобайнида, контрактларда назарда тутилган шартларда амалга оширадиган тартиб ўрнатилсин. Пахта толаси қиймати-нинг қолган 85 фоизи учун аккредитив очилади ёки банк кафолати берилади.

4. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорининг 5-банди, шунингдек ушбу қарорга 3-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси сотиш механизми тўғрисида» 2003 йил 16 октябрдаги 447-сон қарори 2-бандининг еттинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 98-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 3 сентябрь,
414-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг
«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан
ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг пахта тозалаш заводлари (кейинги ўринларда етказиб берувчилар деб аталади) томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси ташқи савдо компанияларига (кейинги ўринларда сотиб олувчилар деб аталади) тузилган шартномаларга мувофиқ уни минтақавий пахта терминалларига (кейинги ўринларда терминаллар деб аталади) етказиб берган ҳолда сотилади.

2. Етказиб берувчилар билан сотиб олувчилар ўртасида 2003 йил ҳосилидан бошлаб пахта толасини сотиш бўйича ўзаро муносабатлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда икки томонлама шартномалар билан белгиланади.

II. Пахта толасини сотиш юзасидан бош шартномалар ва битимлар тузиш

3. Календарь йил бошида етказиб берувчилар билан сотиб олувчилар ўртасида етказиб берувчилар ва пахта етиштирувчи хўжаликлар билан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ жорий йилда кутилаётган ҳосилдан пахта толаси харид қилиш юзасидан бош шартномалар тузилади.

4. Бош шартномада:

жаҳон бозорида талаб қилинадиган тегишли саноат навлари ва типларидаги пахта толаси ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёсининг аниқ селекция навлари;

пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмларидан ҳамда ғўзанинг жойлаштирилишидан келиб чиқиб, кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш учун терминалларга етказиб бериладиган пахта толасининг ҳисоблаб чиқилган ҳажми;

жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойлари ва келгуси йилнинг январь—август ойлари даврида сотиб олувчилар томонидан сотиб олинадиган пахта толаси ҳажми бўйича шартномалар тузишнинг дастлабки муддатлари белгиланади.

5. Бош шартномага мувофиқ:

амалда экилган пахта майдонларини апробациядан ўтказиш натижалари ва кутилаётган пахта хом ашёси ҳосили бўйича жорий йилнинг сентябрь—декабрь ойларида кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга эркин муомаладаги валютага сотиш учун терминалларга пахта толаси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади;

ҳосилни йиғиштириб олиш ва жорий йилда тайёрланган амалдаги пахта хом ашёси бўйича келгуси йилнинг январь—август ойларида, кейинчалик экспорт қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга эркин муомаладаги валютага сотиш учун терминалларга пахта толаси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади.

6. Бош шартномага мувофиқ тузиладиган шартномаларда етказиб бериладиган толанинг ҳажми, нави, типи, класс ва бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича барча асосий параметрлари, транспортда ташиш шартлари ва юклаб жўнатиш муддатлари, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари, тузилган шартномаларни бажариш шартлари бўйича мулкӣ ва бошқача жавобгарлик, низоли масалаларни кўриб чиқиш тартиби белгиланади.

III. Пахта толаси нархларини белгилаш тартиби

7. Сотиб олувчилар томонидан пахта толасини кейинчалик экспортга ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш учун харид қилиш белгиланган тартибда етказиб берувчилар билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Ушбу шартномаларда пахта толасини сотиб олиш:

экспортга сотиш учун ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ шартномавий нархлар бўйича;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш учун ушбу Низомнинг 10-бандига мувофиқ шартномавий нархлар бўйича амалга оширилиши кўрсатилади.

8. Экспортга сотиладиган пахта толасига шартномавий нархлар жўнатишнинг СІР-терминал шартлари бўйича қуйидаги тартибда белгиланади.

Дастлаб толани терминалга етказиб беришдан олдинги кунда (ёки ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ ҳақини олдиндан тўланган санада) «Биринчи» нави, «Ўрта» класс, 5 тип, 35-код пахта толасининг 1 тоннаси учун «Коттон Оутлук»да эълон қилинадиган «А» индекси ва унинг Ўзбекистондаги компоненти котировкаларининг ўртача қиймати (базис нарх) аниқланади (АҚШ долларида). Ушбу нархдан келиб чиққан ҳолда пахта толасининг бошқа навлари, класслари ва типларининг нархлари мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ коэффициентлар қўлланган ҳолда аниқланади.

Шартномавий нарх юқорида қайд этилган тартибда аниқланган нарх ва қуйида кўрсатилган пахта толасини сотиш бўйича сотиб олувчиларнинг ҳисоблаб чиқилган харажатлари ўртасидаги тафовут тарзида аниқланади:

Пахта толасини терминалларда сақлаш ва суғурта қилиш, (фитосанитария сертификати бериш ва республика ҳудуди бўйлаб ҳарбийлаштирилган қўриқлаш учун тўловни қўшган ҳолда) CIF — Шимолий Европа портларигача ташиш, юклаш-тушириш, фумигация қилиш ва портларда белгиланган, CIF — Шимолий Европа портлари шартларини бажариш учун мўлжалланган норматив муддатлар доирасида портларда сақлаш харажатлари;

пахта толасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида келишилган тарифлар бўйича сертификатлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази (кейинги ўринларда «Сифат» маркази деб аталади) ва кип массасини тарозида тортиш харажатлари;

пахта толасини декларациялаш ва божхонада расмийлаштириш харажатлари (қийматининг 0,15 фоизи);

банк харажатлари (банкнинг маблағларни ўтказиш, аккредитив очиш, юклаб жўнатиш ҳужжатларини текшириш учун кафолатлари, воситачилик ҳақи ва бошқа харажатлари);

«Ўзташқитранс» ДАКнинг экспедиторлик хизматлари қийматининг 2 фоизигача миқдордаги воситачилик ҳақи;

ташқи савдо компанияларининг шартномавий нархлар бўйича пахта толаси қийматининг 3 фоизигача миқдордаги даромадлари (асосий фаолият бўйича харажатлари);

етказиб берувчилардан сотиб олиннадиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида сотиб олувчилар томонидан жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда ташқи савдо компанияларининг пахта толаси сотиш бўйича харажатларининг чекланган миқдори ҳисоблаб чиқарилади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар комплексига киритилади. Пахта толаси сотиш бўйича харажатларнинг тасдиқланган чекланган миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан етказиб берувчилар ва сотиб олувчиларга етказилади.

10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толасининг шартномавий нархлари пахта толаси терминалларга етказиб берилган кундаги CIF-терминал шартларида, жаҳон нархларидан («Коттон Оутлук»да чоп этила-

диган «А» индекси ва унинг Ўзбекистон компоненти котировкалари ўртача кўрсаткичидан) келиб чиққан ҳолда, 15 фоиз миқдоридаги чегириш билан аниқланади.

Бунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сотиб олувчиларга Ўзбекистон «Сифат» марказининг пахта толаси кипини сертификатлаштириш ва тарозида тортиш бўйича харажатлари қийматини (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида келишилган тарифлар бўйича), пахта терминаллари хизматлари ҳақини, пахта толасини терминалда сақлаш ва суғурта қилиш харжатларини, ташқи савдо компанияларининг (асосий фаолият бўйича харажатларга) воситачилик ҳақини шартномавий нархнинг 0,5 фоизи миқдорида тўлайдилар.

11. Шартномавий нархлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги стандартларининг барча мажбурий талабларига мувофиқ бўлган пахта толаси учун белгиланади.

12. Сотиб олувчилар етказиб берувчилардан сотиб оладиган пахта толасининг шартномавий нархи прејскурант улгуржи нархдан ва пахта толасини терминалларда сақлаш харажатларидан, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

13. «Микронейер» кўрсаткичи қийматлари белгиланган нормалардан (3,5 дан 4,9 гача) юқори ёки паст бўлганда пахта толаси учун пахта толасига улгуржи нархлар прејскурантида кўрсатилган шкалага мувофиқ I-II-нав пахта толасининг шартномавий нархидан чегиришлар амалга оширилади.

2003 йил пахта ҳосили толасини экспорт қилиш бўйича харажатларни чегириш базис нархга қўлланади. 2004 йил ҳосили пахта толасидан бошлаб экспорт бўйича харажатларни чегириш ҳар қайси нав, класс ва тип нархи аниқлангандан кейин амалга оширилади.

14. «А» индекси ва унинг «Коттон Оутлук» Ўзбекистон компоненти котировкаларининг ҳар кунлик қийматлари «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига етказилади.

IV. Экспортга сотишда пахта толасини юклаб жўнатиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

15. Сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар пахта толасини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларда етказиб бериш шартларини ва ҳисоб-китоб қилишнинг асосан аккредитив шаклини белгилайдилар, бунинг учун етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банкда тегишли ҳисоб рақамлари очилади.

16. Шартнома шартларига мувофиқ, сотиб олувчилар ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) чақириб олинмайдиган, ҳужжатли, қопланмаган, бўлинмас аккредитив очишга ариза тақдим этади. Аккредитив суммаси етказиб бериш ойнанинг навбатдаги ўн кунлигида етказиб бериладиган пахта толаси қийматининг 100 фоизини ташкил этади.

17. Аккредитив очишнинг барча шартлари етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузиладиган шартномада қайд этилади.

Етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузиладиган шартномада қуйидагилар бўлиши керак:

эмитент банкнинг номи;

етказиб берувчини аккредитив очилгани тўғрисида хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағ олиш учун етказиб берувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

пахта толаси юклаб жўнатиладиган кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар;

бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

18. Харидорнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамидан аккредитив суммаси 22602 «Аккредитивлар бўйича миждозлар депозитлари» ҳисоб рақамига ўтказилади. Айни бир вақтда, аккредитив суммаси эмитент банк томонидан қутилмаган ҳолатлар ҳисоб рақамига кирим қилинади.

Етказиб берувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда (ижро этувчи банкда) аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақами очилади.

19. Ижро этувчи банкда қопланмаган аккредитив ҳисоб рақами очишда эмитент банк бажарувчи банкнинг биринчи талабига кўра, ҳужжатлар тақдим этилган тўлов суммасини аккредитивлар шартларига қатъий мувофиқ равишда етказиб берувчининг аккредитив ҳисоб рақамига ўтказилади.

20. Маблағларни ўтказиш юзасидан эмитент банкка қўйилadиган талаб етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартлари бажарилган тақдирда тақдим этилади. Маблағларни аккредитив ҳисоб рақамидан етказиб берувчининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш унинг томонидан ижро этувчи банкка етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган аккредитивнинг барча шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади.

21. Аккредитивдан тўлаш учун тузилган шартномалар шартларига мувофиқ пахта толаси етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар банкка аккредитив амал қилadиган муддатда тақдим этилиши керак.

22. Ижро этувчи банк етказиб берувчи тақдим этган ҳужжатларнинг аккредитив шартларига мувофиқлигини, шунингдек товарнинг етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириши шарт.

Аккредитив шартларининг ҳатто биттаси бузилган тақдирда ҳам маблағларни етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш тақиқланади.

23. Аккредитивдан фойдаланилишига қараб эмитент банк қисман тўланган суммани қутилмаган ҳолатлар ҳисоб рақамини ёпиш билан биргаликда сотиб олувчиларнинг ҳисоб рақамидан банкнинг воситачилик ҳисоб рақамига ҳисобдан чиқаради.

24. Ижро этувчи банкдаги аккредитивни ёпиш:

аккредитив муддати тамом бўлгач амалга оширилади. Ижро этувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкни хабардор қилади;

аккредитив муддати тамом бўлгунга қадар тақдим этилган ва агар бу аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса етказиб берувчининг аккредитивидан бундан кейин фойдаланишни рад этиши тўғрисидаги аризаси бўйича амалга оширилади. Эмитент банкка ижро этувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

сотиб олувчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисидаги аризаси бўйича амалга оширилади, агар бу аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса. Аккредитив эмитент банкдан 22602 «Аккредитивлар бўйича миждозлар депозитлари» баланс ҳисоб рақамидаги қолдиқдан ортиқ бўлмаган суммага хабар олинган кунда ёпилади ёки камайтиради.

25. Сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар ўзаро келишувга кўра келгусидаги етказиб бериш учун олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ҳисоб-китоб қилишлари мумкин, бунда сотиб олувчилар олдиндан тўланган ҳақ суммасига тўлов ўтказилган сана учун пахта толаси ҳажмига шартномавий нархни қайд қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сотиб олувчилар томонидан олдиндан тўланган ҳақ ўтказилган сана учун пахта толаси ҳажмига шартномавий нарх қайд этилмаган тақдирда пахта толасининг шартномавий нархи у етказиб берилган сана учун қайд этилади.

Сотиб олинадиган пахта толаси қийматининг бир қисми учун олдиндан ҳақ тўлашда ҳақнинг қолган қисми аккредитив бўйича тўланади.

26. Пахта тозалаш заводлари пахта хом ашёсини қайта ишлаш давомида ва сотиб олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ пахта толасини терминалларга етказиб беришни олинган билдиришномаларга ва сотиб олувчининг топшириқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

Сотиб олувчилар билан хорижий харидор фирмалар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўртасида тузилган контрактларга мувофиқ терминаллар пахта толасини юклаб жўнатишни сотиб олувчиларнинг юклаб жўнатиш йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

27. Шартнома шартларига мувофиқ етказиб берувчилар пахта толаси терминалларга етказиб берилган санадан бошлаб 2 календарь кундан кечикмай шартномавий нарх бўйича миллий валютада ҳақ тўлаш учун пахта толаси терминалга етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (илова қилинган транспорт-юк хатлари, пахта заводларининг ҳисоб рақамлари-сертификатлари ва Ўзбекистон «Сифат» марказининг сертификатлари билан биргаликда тўлов учун ҳисоб рақамларини) ижро этувчи банкка («Пахта-банк» бўлинмаларига) ёки ҳақи олдиндан тўланган тақдирда ушбу ҳужжатлар бўйича тўловни талаб қилмасдан, сотиб олувчиларга тақдим этадилар.

Пахта тозалаш заводи ва терминал вакиллари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси санаси етказиб берилган сана ҳисобланади.

Пахта толаси сифати ва вазни Ўзбекистон «Сифат» маркази тузган сертификат бўйича кўрсаткичларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу масала бўйича келишмовчиликлар унинг вакили жалб қилинган ҳолда ҳал этилади. Сифат ва вазн бўйича келишмовчиликлар тасдиқланган тақдирда унинг билан боғлиқ барча қўшимча харажатлар Ўзбекистон «Сифат» маркази ҳисоб рақамига тегишли бўлади, етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар эса далолатномалар 5 кун муддатда кўриб чиқилгандан кейин ушбу пахта толаси туркумининг амалдаги сифати ва вазни асосида амалга оширилади.

28. Ҳар ойда ҳар ойнинг 10-қунигача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи билан, етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисоб рақамлари асосида етказиб берувчи ва сотиб олувчи томонидан оралиқ таққослаш далолатномаси тузилади (ушбу Низомга 2-илова). Таққослаш ҳақиқатда юклаб жўнатиш ва олдинги ойнинг тўлов суммаси бўйича амалга оширилади.

Бунда пахта толасининг ҳажми, сифати ва нархи билан боғлиқ низоли масалалар бўйича тегишли томонлар эришган келишув ҳисобга олинади.

Таққослаш далолатномалари натижалари бўйича ҳисоб-китоблар етказиб беришдан кейинги ойнинг 15-қунидан кечикмай амалга оширилади.

29. Муайян йил ҳосили бўйича тегишли йил пахта толасини юклаб жўнатиш тугаллангандан кейин 30 кун мобайнида ўзаро таққослаш далолатномалари тузилади (ушбу Низомга 3-илова).

Ҳосил бўйича узил-кесил ҳисоб-китоблар ўзаро таққослаш далолатномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин 14 кун мобайнида амалга оширилади.

30. Сотиб олувчилар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни пахта толаси сотиш юзасидан контрактлар бўйича тушган маблағлар ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширадилар.

31. Сотиб олувчилар пахта толасини сотувнинг самарали усулларини қўлланган ҳолда, жаҳон нархларининг энг қулай конъюнктураси даврида сотадилар.

Пахта толасини етказиб берувчидан сотиб олиш нархлари билан экспортга амалда сотилган нархлар ўртасидаги ижобий ёки салбий тафовут, шу жумладан сотиш харажатларини тежаш сотиб олувчиларнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига тегишли бўлади.

V. Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш тартиби

32. Пахта толасини республика ҳудудидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш ташқи савдо компаниялари орқали, уларнинг буюртманомаларига мувофиқ, эркин муомаладаги валютага чекловларсиз амалга оширилади.

33. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ҳар йили тегишли ташқи савдо компанияларига пахта толаси харид қилиш юзасидан буюртманомани унинг ҳажми, навлари, типлари ва бошқа сифат кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда, пахта толасини жорий йилнинг сентябрь—декабрларида харид қилиш учун 1 июлгача ҳамда келгуси йилнинг январь—августидида харид қилиш учун 1 декабргача тақдим этади.

Ташқи савдо компаниялари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг буюртманомаларини тўлиқ ҳажмда «Пахтасаноат» ҚАБ билан тузиладиган бош битимда ҳисобга оладилар ва буюртманомаларни пахта толасини ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланишни прогнозлашда жамлаш ҳамда ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар.

34. Ташқи савдо компаниялари бош битимга мувофиқ пахта толаси ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланишнинг прогноз қилинаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан пахта толаси етказиб бериш юзасидан сентябрь—декабрь ва январь—август даври учун алоҳида-алоҳида контрактлар тузишади.

35. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сотиб олинadиган пахта толаси учун ҳақнинг 15 фоизини олдиндан тўлайдилар, узил-кесил ҳисоб-китобни пахта толаси улар билан тузилган контрактларда назарда тутилган шартларда етказиб берилган санадан бошлаб 60 кун мобайнида амалга оширадилар. Пахта толаси қийматининг қолган 85 фоизи учун аккредитив очилади ёки банк кафолати берилади.

Ҳисоб-китоб қилишнинг ҳудди шундай тартиби терминалларга етказиб берилган ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиладиган пахта толаси юзасидан сотиб олувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида ҳам белгиланади.

36. Сотиб олувчилар етказиб берувчилар билан узил-кесил ҳисоб-китобларни, сотилган пахта толаси учун хўжалик иштирокидаги корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатидан қатъи назар, бош битимга мувофиқ амалга оширадилар.

37. Пахта толасини терминаллардан юклар жўнатиш ташқи савдо компанияларининг юклар жўнатиш йўриқномалари бўйича ташқи савдо компанияси ва хўжаликлар иштирокидаги корхоналар ўртасида имзоланган контрактларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

Бунда пахта толаси учун ҳисоб-китоблар етказиб бериш кундаги жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу Низомнинг 8 ва 10-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

38. Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона юклар жўнатилган пахта толаси туркуми учун тўловни ушбу Низомнинг 35-бандида белгиланган муддатларга риоя қилмасдан, ўз вақтида амалга оширмаса, мазкур корхонага келгусида пахта толаси жўнатиш тўхтатилади.

39. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи савдо компанияларидан чегириш билан сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайта сотилмайди.

VI. Пахта толасини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари томонидан экспортга сотишдан олинган маблағлардан фойдаланиш

40. Пахта толаси учун ташқи савдо компанияларидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига тушган маблағлардан:

пахта хом ашёсини қайта ишловчилар (пахта тозалаш заводлари) билан амалдаги прејскурант улгуржи нархлар бўйича ушбу Низомнинг 41-бандида назарда тутилган тартибда ҳисоб-китоб қилишда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган воситачилик ҳақи миқдорида ўз харажатларини қоплашда;

пахта толасини терминалларга етказиб бериш, уни тушириш ва терминалларда қабул қилиб олиш, етказиб берувчи ва сотиб олувчилар вакиллари (терминаллар) ўртасида қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилгунгача сақлаш, шунингдек (пахта толаси экспорт қилинмайдиган бўлганда) нормативдан ортиқча сақлаш харажатларини қоплашда фойдаланилади.

41. Пахта толаси қиймати ҳажмида маблағларни тақсимлаш прејскурант улгуржи нархлар бўйича:

хом ашё (пахта хом ашёси)нинг эквивалент қиймати маблағларига тақсимланади, уларни «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари пахта хом ашёси қийматини хўжаликларга тўлаш учун берилган кредитни қайтариш учун Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказишади;

қайта ишлаш корхоналарининг харажатларини қоплаш учун маблағларга тақсимланади, улар пахта тозалаш заводлари ҳисоб рақамларига ўтказилади.

VII. Низоларни кўриб чиқиш тартиби

42. Шартномалардан ёки улар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни томонлар келишувлар йўли билан ҳал этадилар. Агар томонлар келишувга эришмасалар, улар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса ёки томонларнинг келишувига кўра ҳолислар суди томонидан кўриб чиқилади.

Берилган даъволар тасдиқланган тақдирда айбдор томон бошқа томонга даъво суммасини тўлайди ёки узил-кесил ўзаро ҳисоб-китоб қилишда уларни ҳисобга олади.

Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

Пахта толасининг типлар ва кодлар бўйича нархларини қайта ҳисоблаш коэффициентлари

Тола типи	1a	1б	1	2	3		4		5		6	
Штапель узунлиги (дюйм)	1.11/32	1.5/16	1.9/32	1.1/4	1.7/32	1.3/16	1.5/32	1.1/8	1.3/32	1.1/16	1.1/32	1
Узунлик коди	43	42	41	40	39	38	37	36	35	34	33	32
Коэффициент	1,264	1,232	1,200	1,168	1,111		1,0137		1,00	0,987	0,975	

Пахта толасининг навлар ва класслар бўйича нархларини қайта ҳисоблаш коэффициентлари (база- «Биринчи» нав, «Ўрта» класс)

I-нав (Биринчи)	<i>олий</i>	1,050	II-нав (Иккинчи)	<i>олий</i>	1,020
	<i>яшии</i>	1,040		<i>яшии</i>	0,990
	<i>ўрта</i>	1,000		<i>ўрта</i>	0,955
	<i>оддий</i>	0,965		<i>оддий</i>	0,920
	<i>ифлос</i>	0,925		<i>ифлос</i>	0,880
III-нав (Учинчи)	<i>яшии</i>	0,965	IV-нав (Тўртинчи)	<i>яшии</i>	0,850
	<i>ўрта</i>	0,930		<i>ўрта</i>	0,800
	<i>оддий</i>	0,885		<i>оддий</i>	0,750
	<i>ифлос</i>	0,840		<i>ифлос</i>	0,700
	V-нав (Бешинчи)		<i>ўрта</i>	0,550	
			<i>оддий</i>	0,500	
			<i>ифлос</i>	0,450	

Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг
«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан
ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**200__ йил _____ да юклар жўнатилган пахта толаси учун берилган ҳисоблар бўйича
_____ даги ҳолатига кўра ўзаро таққослаш далолатномаси**

(кейинги ойнинг 1-куни)

Юклар жўнатиш ҳужжатининг ёки контрактнинг тартиб рақами ва юклар жўнатиш санаси	Кондицион оғирлиги бўйича юклар жўнатилган пахта толасининг миқдори, т	Юклар жўнатиш кундаги шартномавий нарх							Толанинг шартномавий нарх бўйича қиймати, минг сўм (2*9)	Аккредитив бўйича тўланган, минг сўм	Юклар жўнатилган пахта толасининг қиймати билан тўланган сумма ўртасидаги фарқ	
		«А» индекси ва унинг ўзбекистондаги компоненти котировкаси бўйича жаҳон нархи, АҚШ долл./т	Экспорт бўйича харажатлар (АҚШ доллари ҳисобида)	Алмашув курси сўм/АҚШ долл.	Валюта харажатлари чегирилган ҳолдаги жаҳон нархи		Экспорт бўйича харажатлар, сўм/т	Шартномавий нарх, сўм/т (7-8)			қўшимча тўланади, минг сўм	қайтариб олинади (ёки ушлаб қолинади), минг сўм
					АҚШ долл./т (3-4)	сўм/т (5*6)						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Томонлар тасдиқлайдиларки, мазкур ўзаро таққослаш далолатномасига мувофиқ, 200 йил _____ ойи учун _____ нинг қарзи _____ сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари, 200 йил _____ даги ҳолатига кўра илгари юклар жўнатилган пахта толаси бўйича низоли масалалар _____ сўм миқдоридан _____ фойдасига ҳал қилинди. Шунинг билан ҳисобга олган ҳолда, _____ нинг _____ якуний қарзи _____ сўм миқдоридан белгиланди. Мазкур ўзаро таққослаш далолатномаси

(кичик бандлардан бири ўчрилиши лозим)

- белгиланган тартибда _____ ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиш
- 200 йил _____ ойида юклар жўнатиладиган пахта толаси учун ўзаро ҳисобитобларда ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

_____ вилояти «Пахтасаноат»? АБ

_____ давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси

Раис
Бош бухгалтер

Раис
Бош бухгалтер

М.Ў.
200 йил «__» _____

М.Ў.
200 йил «__» _____

Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

200__ йил ҳосилидан юклаб жўнатилган пахта толаси учун тақдим этилган ҳисоблар бўйича таққослаш далолатномаси

Юклаб жўнатиш ҳужжатининг ёки контрактнинг тартиб рақами ва юклаб жўнатиш санаси	Амалда юклаб жўнатилган (аниқлашлар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда) (тонна)	Пахта толасининг қиймати, минг сўм			
		тақдим этилган ҳисоблар бўйича	ташқи савдо компанияси томонидан тўланган	Фарқ	
				қўшимча тўланади	қайтарилади (ёки ушлаб қолинади)

Томонлар тасдиқлайдиларки, мазкур ўзаро таққослаш далолатномасига мувофиқ 200__ йил ҳосили учун _____ нинг қарзи _____ сўмни ташкил қилди.

Мазкур ўзаро таққослаш далолатномаси белгиланган тартибда _____ ҳисоб рақамига _____ миқдорида тўлов талабномаси қўйилиши учун асос ҳисобланади.

_____ вилояти «Пахтасаноат» ҲАБ

Раис

Бош бухгалтер

М.Ў.

200 йил «__» _____

_____ давлат-акциядорлик

ташқи савдо компанияси

Раис

Бош бухгалтер

М.Ў.

200 йил «__» _____

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

397 Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
28 августда 703-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 7 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2000 йил 5-6-сон, 142-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 15 декабрь ва 1998 йил 31 декабрда 15-сон ва 30-01-12/333-сон билан тасдиқланган (1999 йил 14 апрель, рўйхат рақами 703) Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 16 август,
01/06-16-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 август,
102-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**398** Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 8 сентябрдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом (янги таҳрирда) иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 26 февралдаги 26-сонли «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2001 йил 5 апрель, рўйхат рақами 1023-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 7-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 август,
101-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 21 августдан 3 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 01/06-16, 102-сонли қарори.*

2004 йил 28 августда 703-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 7 сентябрдан кучга киради).

2. «Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи (янги таҳрирда).*

2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 26 февраль, рўйхат рақами 1023).*

Адлия вазирининг 2004 йил 29 августдаги 186-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (35-50/402-сон) 2004 йил 22 июлдаги ва (35-50/431-сон) 2004 йил 4 августдаги хатлари.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида

кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.